

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил 25 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья А.Нармухамедов,

судья ёрдамчиси Д.Ражабовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Абдузоҳиров, судланувчи А [REDACTED]

[REDACTED] нисбатан № 1-1008-2408/417-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 1991 йил 7 сентябрда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, оилали 2 нафар фарзанди бор, “Old City Med” МЧЖ таъсисчиси бўлган, Чилонзор тумани, Қизил шарқ МФЙ, 10-уй, 24-хонадон, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 24 июнь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 181<sup>1</sup>-моддаси 1-қисми, 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан айбланган.

[REDACTED] 1981 йил 19 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, оилали 3 нафар фарзанди бор, “Old City Med” МЧЖ раҳбари бўлган, Учтепа тумани, Гулистон 3-кўчаси, 35-хонадонда яшовчи, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 24 июнь куни олган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 181<sup>1</sup>-моддаси 1-қисми, 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд жиноят иши ҳужжатларини кўриб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, судланувчилар ва гувоҳларни сўроқ қилиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**



марказидан 26.07.2017 йилда рўйхатдан ўтказилган ва юридик манзили Олмазор тумани, Шифокор кўчаси, 1в-уйда жойлашган “Old City Med” МЧЖ таъсисчиларининг 05.10.2021 йилдаги 1-сонли йўғилиш баёнига асосан ягона таъсисчиси бўла туриб, ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш ва мулкый манфаат кўриш мақсадида жамиятда 08.10.2021 йилдаги 2/1-сонли буйруқга асосан раҳбар лавозимида ишлаб келаётган 1981 йилда туғилган [REDACTED] илан ўзаро тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.02.2003 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 75-сонли қарори ҳамда 17.11.2011 йилдаги «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 306-сонли қарори талабларини бузиб, «Old City Med» МЧЖга 2021-2022 йиллар давомида кирим қилинган жами 2.305.145,3 сўмлик ва кирим қилинмаган 224.548,1 минг сўмлик турли хилдаги товар-моддий бойликларини нақд пулга сотиб юборишиб, реализация қилинганлиги тўғрисида ҳисобварақ фактуралар расмийлаштирмасдан, нақд пулларни банкга кирим қилмасдан, жуда кўп миқдордаги савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишган.

Бундан ташқари, [REDACTED]

[REDACTED] МЧЖ ягона таъсисчиси бўла туриб, ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш ва мулкый манфаат кўриш мақсадида 08.10.2021 йилдаги 2/1-сонли буйруқга асосан жамият раҳбари лавозимида ишлаб келаётган А.Дусматов билан ўзаро тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, 2021-2022 йилларда жамиятга кирим қилинган 2.305.145,3 минг сўмлик турли хилдаги дори маҳсулотларини нақд пулга сотиб юбориб, 12 фоизлик ставкада жами 276.617,4 минг сўм қўшилган қиймат солиғини ҳамда ушбу давр мобайнида жамиятга кирим қилинмаган 224.548,1 минг сўмлик товарлар савдосини амалга оширишиб, 15 фоизлик ставкада жами 33.682,2 минг сўмлик фойда солиғини, жами 310.299,6 минг сўм сўмлик жуда кўп миқдордаги солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлашган.

Шунингдек, [REDACTED]

[REDACTED] таъсисчиси бўла туриб, ушбу жамият раҳбари [REDACTED]

[REDACTED] қилинган жами 2.305.145,3 сўмлик турли хилдаги товар-моддий бойликларини нақд пулга сотиб юборишиб, реализация қилинганлиги тўғрисида ҳисобварақ фактуралар расмийлаштирмасдан, нақд пулларни банкга кирим қилмасдан, шахсий манфаатларини кўзлаб жамиятни қасддан банкротликка, яъни тўловга қобилиятсизликни қасддан юзага келтиришиб, кредиторларга кўп



миқдорда (27.05.2024 йилдаги текширув далолатномасига кўра 804.386.958,24 сўм) зарар етказишган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган

2021 йилнинг октябрь ойларида синфдоши

қарздорлик ўрнига «Old City Med» МЧЖни таклиф қилганлигини ва

ушбу жамиятга таъсисчи қилиб тайинлаб қўйиб, келгусида ишлари яхши бўлиб кетган тақдирда ундан олган пулларини қайтариб беришини билдирганлигини, шундан сўнг, фуқаро Н.Абдуллаев унинг синфдоши бўлганлиги сабабли уни бошлаётган ишига кўмаклашиш мақсадида тахминан 14.000 АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам кўрсатиб турганлигини, шундан сўнг, 2021 йилнинг октябрь охирида фуқаро

ан биргаликда Тошк А.Агзамовни ушбу жамиятнинг таъсисчиси сифатида рўйхатдан ўтказиб келишганлигини ва фуқаро

в жамият фаолиятин «Old City Med» МЧЖга раҳбар этиб тайинлаш учун таниши

тайинлаганлигини, бироқ, «Old City Med» МЧЖнинг ягона таъсисчиси сифатида ўзи, расмий раҳбари сифатида

лигини, таниши ҳар замонда жамият фаолияти юзасидан ишлар қандай кетаётганлиги тўғрисида сўраган пайтларида у ҳамма ишлар аъло даражада кетаётганлигини, дори-воситалари улгуржи савдоси билан шуғулланаётганлигини айтиб ора-орада ундан олган пулларини қисман қайтариб турганлигини, бугунги кунга қадар Н.Абдуллаев унга жами олган пулларидан тахминан 4.000 АҚШ доллари қисмини қайтарганлигини, орадан тахминан 1 йиллар ўтгач, 2022 йилнинг май ойларида таниши

н пул зарур бўлаётганлигини айтиб унга пул беришини сўраганида у ҳар ҳил бохоналарни важ қилиб, ҳозирда ишларида муаммолар юзага келганлигини билириб пул бермай қўйганлигини, шундан сўнг, у бошқариб келаётган жамиятнинг ягона таъсисчиси эканлигидан хавотир бўлиб «Old City Med» МЧЖнинг офиси ва омбори жойлашган манзили бўйича бориб, жамиятнинг иш фаолияти билан танишганида омборлар бўшлиги, офисда пул йўқлиги, «Old City Med» МЧЖга дори сотган корхоналар ҳаққини сўраб келганлигига гувоҳ бўлганлигини, шундан сўнг, орадан бироз вақт ўтгач «Old City Med» МЧЖ боқшарувчиси и шунга ўхшаш ҳолат юзасидан, яъни бошқа бир шахснинг номига жамият таъсис этиб, ушбу жамиятни бошқариб катта миқдорида қарздорлик юзага келтирганлиги ҳолати бўйича унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб уни қамоққа



олишганлиги тўғрисида хабар топганлигини, шундан сўнг, таниши  
[REDACTED] нг турар жойи банк томонидан тортиб  
кўйилганлиги, ота-она ва оила аъзолари бошқа жойга кўчиб  
кетишганлиги тўғрисида хабар топганлигини, сўнгра, ҳолатга ойдинлик  
киритиш мақсадида [REDACTED]

[REDACTED] лари деб  
таништириб, у таъсисчи сифатида назарда тутилган «Old City Med» МЧЖ  
уларнинг бошқарувидаги корхонадан дори воситалари ҳарид қилиб  
пулларини тўлаб бермаётганлигини айтиб ундан пулларни тўлаб  
беришини сўрашганлигини, шундан сўнг, Н.Абдуллаев у таъсисчи  
сифатида назарда тутилган «Old City Med» МЧЖни бошқариб юрган  
пайтларида айнан кимлар билан ишлаганлиги ва ўша кун ҳолатига  
қимдан қанча миқдорда қарздорлиги борлиги тўғрисида рўйхат  
шакллантириб, ҳар бирлари билан бир ма бир кўришиб, вазиятни  
тушинтириб, барчаларига қарздорликни ўзи тўлаб беришини бироқ бу  
учун унга биров вақт кераклигини айтиб улар билан келишиб  
келганлигини, бугунги кун ҳолатига [REDACTED] “Pharm Heres”,  
“Asklepiy”, “Xasan Xusan”, “Welfar VST”, “Nobel Pharmsanoat”, “Getta  
Pharm”, “Asina Med”, “Mari Pharm” ҳамда “Osiyo Mehr” МЧЖларга ҳар  
ойлик иш ҳаққидан 50% миқдорини тўлаб келаётганлигини, шунингдек  
ҳозирги кунда жамият томонидан етказилган 310.299,6 минг сўмлик  
зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан  
пушаймондалигини баён қилиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED]  
эълон қилинган айбловга қисман иқроор бўлиб, куйидагиларни, яъни  
2021 йилнинг октябрь ойида 11:00 лар аторофида Тошкент шаҳар  
ҳудудида киракашлик қилиб юрган пайтида, унга синфдоши Агзамов  
[REDACTED] фон қилиб қаердалигини сўраганлигини ва унга “Кадешева”  
бозори атрофида эканини айтганлигини, шундан сўнг [REDACTED] лан  
кўришмоқчилигини айтганлигини, сўнгра “Тузель” кўчасида  
кўришишганлигини, шундан сўнг Акмал ундан нима иш қилиб юрганлигини  
сўраганлигини, унга киракашлик билан шуғулланаётганини  
айтганлигини, [REDACTED] и” кўчаси томонга ташлаб қўйишини  
сўраганлигини ва унга рози бўлганлигини, йўлда гаплашиб  
кетаётганларида [REDACTED]

[REDACTED] хминан 10 кунлардан  
сўнг [REDACTED] нга телефон қилганлигини ва унданҳам яхши иш чиқди  
кўршайлик деганлигини, шундан сўнг Дархон кўчасида Акмал ва унинг



укаси

офис олганликларини айтишганлигини ва уни ўша офисда жойлашган “Old City Med” МЧЖга раҳбар қилиб тайинлашларини айтишганлигини ва лардан ҳеч қандай муаммо бўлмайдими деб сўраганида А унга ҳеч қандай муаммо бўлмаслигини ўзи ушбу жамиятнинг таъсисчиси бўлишини, агарда бирор муаммо бўладиган бўлса ҳаммасига таъсисчи жавоб беради деб уни ишонтирганлигини ва паспортини сўраб уни ушбу жамиятнинг раҳбари этиб тайинлаганлигини, шундан сўнг

қатгина имзо қўйиб туришини тайинлаганлигини ва муаммо бўлмади деб уни ишонтирганлигини, 2021 йилнинг декабрь-январь ойларида ойлик маош деб 2,3 млн сўм, март ойида эса 400 АҚШ доллари берганлигини, кейинчалик 2022 йилнинг март ойидан фирма норасмий тарзда иш фаолиятини тўхтатганлигини, шундан сўнг Асқар унинг номидан шартнома қилган фирмалар унга телефон қилиб қарзларини сўрашни бошлашганлигини, кейинчалик фирманинг 825 408 831 сўм қарздорлиги мавжудлигини билганлигини, шундан сўнг Асқар ва Акмалнинг олдига бориб улардан фирмаларнинг қарзларини беришини сўраганлигини, шунда Асқар у билан ўша фирмаларга бориб корхоналарга шартномаларни А.Дусматов тузмаганлигини, барча қарзларни ўзи тўлаб беришини айтиб, тилхатлар ёзиб берганлигини, бироқ ҳозирги кунга қадар Асқархон томонидан қарздорлик тўланмасдан келинаётганлигини, Акмал ва Асқар Агзамовлар унинг киракашлигидан, расмий хужжатларга тушунмаслигидан фойдаланиб шу ишларни амалга оширишганлигини, шунингдек, уни ижарага олинган офисга олиб боришиб, шароитларни кўрсатиб уни ишонтиришгани учун уларга алданиб қолганлигини, мазкур қарздорликни қоплашга эса унинг оилавий шароитидан келиб-чиқиб имкони йўқлигини, ҳозирги кунга келиб жамиятнинг қандай ахволдалигидан хабари йўқлигини, “Old City Med” МЧЖ номидан шартномалар, келишувлар ва пул олди бердилари Агзамов Акмал ҳамда Агзамов Асқархонлар томонидан унинг номидан телефон орқали амалга оширилганлигини ва корхоналарга ҳам Асқархон ўзи бориб, пул олди-бердиларини амалга оширганлигини, қарздорликларни ҳам қачон сўндирилишини корхоналар билан Асқархон келишганлигини, тилхатларни о Асқархон ўзи ёзганлигини А.Дусматов фақатгина Асқархон имзо қўйинг деган хужжатларга имзо қўйганлигини, фуқаро Н.Абдуллаевни шахсан танимаслигини, бироқ уни Агзамов Асқарнинг олдида 1,2 маротаба кўрганлигини, унинг ушбу жамият иш фаолиятига аралашганини гувоҳи бўлмаганлигини, сабаби жамият ишини тўлиқ Агзамов Асқархон юритганлигини ва барча шартномалар ҳам



Асқархоннинг бошчилигида тузилганлигини, шунингдек прокуратура органлари томонидан тергов ҳаракатлари бошланиб, улар терговга жалб қилинганда Агзамов Асқар унга қўнғироқ қилиб, нима сабабдан Н.Абдуллаевга қарши кўрсатма бермадингиз деб ундан норзи бўлганлигини, шунингдек ҳозирги кунда жамият томонидан етказилган 310.299,6 минг сўмлик зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, қилган ишдан чин кўнгилдан пушаймондалигини баён қилиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи А.Агзамов ва А.Дусматовла эълон қилинган айбловга қисман иқрор бўлиб кўрсатув берган бўлсада, унинг айби суд мажлисида текширилган ва тўпланган қуйидаги далиллар билан тўлиқ ўз исботини топади.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ М.Асателлаева, яъни у “Адина Мед” МЧЖ раҳбари эканлигини, 20.12.2021 йилда “Old City Med” МЧЖ билан 5017-сонли шартнома тузилган бўлиб, ушбу корхона олдин ҳам 1-2 маротаба уларнинг корхонасидан товарлар харид қилганлигини ва ишончларига кирганлигини, аммо 22.12.2021 йилда 3452-сонли ҳисоб-фактурага асосан 38.102.000 сўмлик товарларни ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилган бўлишига қарамасдан жавобгар тўловни тўлиқ амалга ошириш чораларини кўрмаганлигини ва 28.102.000 сўм қарз ёпилмасдан қолганлигини, ушбу қарз суммасини қонуний йўллар билан ундириш учун корхона томонидан барча чоралар амалга оширилганлигини, хусусан Тошкент туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилинганлигини, 22.010.2022 йилдаги 4-1001-2210/19486-сонли иш кўриб чиқилиб, “Адина мед” МЧЖ фойдасига жавобгар “Old City Med” МЧЖдан 28.102.000 сўм асосий қарз, 2.000.000 сўм пеня, 421.500 сўм давлат божи ҳамда 24.000 сўм почта харажатлари ундирилиши белгиланганлигини ҳамда 28.11.2022 йилда ижро варақаси берилганлигини, ҳозирги кунга қадар ушбу қарздорлик ундирилмаганлигини ва ушбу қарздорлик корхонанинг молиявий ҳолатига салбий таъсир ўтказиб келаётганлигини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ [REDACTED] у “Old City Med” МЧЖ 2017-2018 йилларда норасмий раҳбар бўлиб ишлаганлигини, у ишлаган даврда жамиятнинг бошқа ташкилотлардан қарздорлиги бўлмаганлигини, 2021 йил [REDACTED] “Old City Med” МЧЖни сотиб олганлигини, сотиб олаётганида жамиятнинг қарздорлиги бўлмаганлигини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ [REDACTED] у 2020-2021 йилларда “OLD CITY MED” МЧЖда директор лавозимида ишлаганлигини, ўша вақтлари жамиятнинг норасмий раҳбари Абидов Жасур бўлганлигини, у ишлаган вақтда корхоналар билан пул кўчириш орқали ишлаганликларини, у пайтда корхоналар билан ишлашда ҳеч қандай муаммо бўлмаганлигини, корхоналардан фақат 100% пул кўчириб товар олишганлигини, шу пайтда Олмазор тумани, Шифокорлар кўчаси,



1Б номли дорихонада ётиб хам яшаб юрганлигини, дорихонада сотувчилик қилганлигини, улар асосан “Asclepiy”, “Nobel”, ”Grandfarm”, “Merosfarm” МЧЖлар каби ташкилотлар билан ишлаганлигини, шу вақтда кўрсатилган корхоналардан кредитор ва дебитор қарзлар бўлмаганлигини, “Old City Med” МЧЖни маблағ етишмаслиги сабабли сотишга тўғри келганлигини, шунга кўра жамият 05.10.2021 йилда фуқаро Агзамов Асқархон Ахмадхон ўғлига ўтганлигини ва фаолият давом эттирилганлигини, ундан кейинги ҳолатлардан хабардор эмаслигини, “OLD CITY MED” МЧЖни олди-сотди қилинаётганда олди-сотди ишларини Агзамов Асқархон Ахматхон ўғли амалга оширганлигини ва сотиб олганлигини, “Old City Med” МЧЖ сотилаётганида корхоналардан қарздорлиги бўлмаганлигини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ ■.Нусиров, яъни у 2020-2021 йилларда “OLD CITY MED” МЧЖда директор лавозимида ишлаганлигини, ўша вақтлари жамиятнинг норасмий раҳбари Абидов Жасур бўлганлигини, у ишлаган вақтда корхоналар билан пул кўчириш орқали ишлаганликларини, у пайтда корхоналар билан ишлашда ҳеч қандай муаммо бўлмаганлигини, корхоналардан фақат 100% пул кўчириб товар олишганлигини, шу пайтда Олмазор тумани, Шифокорлар кўчаси, 1Б номли дорихонада ётиб хам яшаб юрганлигини, дорихонада сотувчилик қилганлигини, улар асосан “Asclepiy”, “Nobel”, ”Grandfarm”, “Merosfarm” МЧЖлар каби ташкилотлар билан ишлаганлигини, шу вақтда кўрсатилган корхоналардан кредитор ва дебитор қарзлар бўлмаганлигини, “Old City Med” МЧЖни маблағ етишмаслиги сабабли сотишга тўғри келганлигини, шунга кўра жамият 05.10.2021 йилда фуқаро Агзамов Асқархон Ахмадхон ўғлига ўтганлигини ва фаолият давом эттирилганлигини, ундан кейинги ҳолатлардан хабардор эмаслигини, “OLD CITY MED” МЧЖни олди-сотди қилинаётганда олди-сотди ишларини Агзамов Асқархон Ахматхон ўғли амалга оширганлигини ва сотиб олганлигини, “Old City Med” МЧЖ сотилаётганида корхоналардан қарздорлиги бўлмаганлигини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ М.Чўтов, яъни у Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 25.11.2022 йилдаги №4-1001-2207/55081-сонли ҳал қилув қарори билан “Old City Med” МЧЖ суд тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланганлигини, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан унинг зиммасига қарздор “Old City Med” МЧЖнинг фаолиятини таҳлил қилиб, унинг натижалари бўйича банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги ёхуд унинг мавжуд эмаслиги тўғрисида хулоса тузиб судга тақдим этиш вазифаси юклатилганлигини, “Old City Med” МЧЖ Тошкент шаҳар, Олмазор тумани Шифокорлар кўчаси 1- “v” уй манзили бўйича Олмазор тумани “Давлат хизматлари маркази” томонидан 26.07.2017 йилда № 534295-



сонли реестр рақами билан рўйхатга олинганлигини, фаолияти доридармон воситаларини ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятидан иборатлигини, жамиятга хизмат кўрсатувчи банк "InFinBank" (МФО.01041) ҳисобланганлигини, "Old City Med" МЧЖнинг устав жамғарамаси 135.000.000 сўмдан иборат бўлиб, жамиятнинг таъсисчиси 07.09.1991 йилда туғилган Агзамов Асқархон Ахматхон ўғлининг устав фондидаги улуши 100% дан иборатлигини, жамият раҳбари Дусматов Алишер Атхамович ҳисобланишлигини, "Old City Med" МЧЖга хизмат кўрсатувчи "InFinBank" (МФО.01041)дан олинган жамиятнинг пул маблағларининг айланмаси ўрганиб чиқилганда, жамият томонидан охириги фаолиятини 25.02.2022 йилда амалга оширилганлиги аниқланганлигини, "Қарздорни қасдан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш тартиби" бўйича "Old City Med" МЧЖни тугатиш жараёнида жамиятнинг Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 27.09.2022 йилдаги №4-1001-2220/44296-сонли ҳал қилув қарорига асосан "PHARM HERES" МЧЖдан 215.001.747 сўмлик, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 03.06.2022 йилдаги №4-1001-2219/14843-сонли ҳал қилув қарорига асосан "ASKLEPIY" МЧЖдан 151.642.712.00 сўмлик, 20.05.2022 йилда тузилган №153-сонли шартномага асосан "ХАСАН ХУСАН" МЧЖдан 96.815.535 сўмлик, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 21.10.2022 йилдаги №4-1001-2213/49345-сонли ҳал қилув қарорига асосан "WELFAR VST" МЧЖдан 87.590.499.00 сўмлик, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 16.10.2022 йилдаги №4-1001-2218/36333-сонли ҳал қилув қарорига асосан "GRAND FARM TRADE" МЧЖдан 87.517.264,2 сўмлик, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 25.03.2022 йилдаги №4-1001-2217/6757-сонли ҳал қилув қарорига асосан "NOBEL PHARMSANOAT" МЧЖдан 76.203.210,04 сўмлик, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 11.05.2022 йилдаги №4-1001-2205/12055-сонли ҳал қилув қарорига асосан "GETTA PHARMA" МЧЖдан 38.313.689.00 сўмлик, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 25.10.2022 йилдаги №4-1001-2210/49486-сонли ҳал қилув қарорига асосан "ADINA MED" МЧЖдан 28.102.000 сўмлик, 26.01.2023 йил ҳолатига тақдим этилган бир томонлама солиштирма далолатномасига асосан Олмазор тумани солиқ инспекциясидан 21.021.872,99 сўмлик, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 01.12.2022 йилдаги №4-1001-2228/58188-сонли ҳал қилув қарорига асосан "MARI PHARM" МЧЖдан 15.327.302 сўмлик, 05.01.2022 йилда тузилган №507-сонли шартномага асосан "ОРИҲО-МЕНН" МЧЖдан 7.873.000.00 сўмлик жами 825.408.831,23 сўмлик қарздорликлари мавжудлиги аниқланганлигини, "Old City Med" МЧЖ ҳисобидан қарздорликларни ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатларининг ижроси Ўзбекистон Республикаси "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 62-моддасига асосан Мажбурий ижро бюросининг Олмазор тумани бўлими томонидан тамомланганлигини, Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги "Янги



технологиялар илмий ахборот маркази” давлат унитар корхонасидан олинган “Old City Med” МЧЖга тегишли бўлган электрон ҳисобварақ-фактураларга асосан, кредиторлар томонидан тақдим этилган маълумотларга ҳамда жамиятнинг пул маблағларининг айланмаси бўйича қарздорга хизмат кўрсатувчи банкдан олинган маълумотларга асосан жамият томонидан электрон ҳисобварақ-фактура орқали маҳсулот реализацияси охириги маротаба 02.08.2021 йилда амалга оширилганлигини, ушбу охириги маротаба маҳсулот реализацияси амалга оширилган санадан сўнг яъни 02.08.2021-31.12.2022 йиллар оралиғида жамият томонидан бир нечта хўжалик юритувчи субъектлардан ҳисоб фактура орқали жами 1.863.634.716,64 сўмлик маҳсулотлар сотиб олинганлигини, жамиятга хизмат кўрсатувчи банкдан олинган пул маблағларининг айланмаси ўрганиб чиқилганда 02.08.2021 йилдан бугунги кунга қадар савдо тушуми мақсадида жами 317.051.614,76 сўмлик пул маблағлари жамиятнинг ҳисоб рақамига келиб тушганлигини, юқоридагиларга асосан “Old City Med” МЧЖ мансабдор шахслари томонидан корхонанинг кредиторлари олдидаги қарздорликларини ҳамда давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган солиқларни тўлашдан қасдан бўйин товлаш мақсадида жамиятга кирим қилинган маҳсулотларни нақд пулга сотиб, ушбу маҳсулотларнинг сотувидан тушган пул маблағларини банк муассасалари орқали жамият ҳисоб рақамига кирим қилинмаганлиги, юқоридагилардан келиб чиқиб “Old City Med” МЧЖ мансабдор шахсларининг хати-ҳаракати натижасида жамиятга ва унинг кредиторларига катта миқдорда зарар етказилганлиги сабабли “Old City Med” МЧЖ мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларида қасдан банкротликка олиб келиш аломати мавжудлигини билдириб кўрсатуви бериб ўтди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Н.Мирзаев, у Олмазор туман прокуратурасининг иш юритувидаги 262803/2024-16БВ-сонли жиноят иши юзасидан 08.04.2024 йилдаги “Хужжатли тафтиш тайинлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ, “Old City Med” МЧЖнинг фаолияти юзасидан кўзғатилган жиноят иши доирасида қарорда кўрсатилган саволлар юзасидан хужжатли тафтиш ўтказилганлигини, текширилган даврларда, яъни, 2021 йил январ ойидан 2021 йил август ойигача жамият раҳбари ва бош ҳисобчиси лавозимида Нусиров Бекзоджон Олимжон ўғли фаолият юритганлиги кўрсатилиб, солиқ ҳисоботларини тақдим этиб келганлигини, 2021 йил сентябр ойида 2022 йил май ойига қадар жамият раҳбари Дусматов Алишер Атхамович фаолият юритганлиги кўрсатилиб, солиқ ҳисоботларини тақдим этиб келинганлигини, жамият 2022 йил июнь ойидан бошлаб, сўғ фактуралар расмийлаштирилмаган ҳамда солиқ органларига ҳисоботлар тақдим этмаганлигини, жамият томонидан товар моддий бойликларнинг ҳисоботи ва инвентаризация хужжатлари тақдим этилмаганлигини, “Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон



Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.09.2021 йилдаги 595-сонли қарорининг 3-бандига мувофиқ 01.01.2022 йилдан бошлаб, юридик шахслар томонидан кўчмас мулкни ижарага бериш (олиш) ёки текин фойдаланиш шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилишлигини, бунда жисмоний ва юридик шахслар томонидан кўчмас мулкни ижарага бериш ёки текин фойдаланиш шартномаларини давлат солиқ хизмати органларининг электрон тизимларида ҳисобга қўйиш масофадан туриб фақат электрон шаклда амалга оширилишлигини, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилмаган шартномалар асосида ижарага олинган ёки текин фойдаланилаётган кўчмас мулк объектларида сақланаётган товар-моддий захиралар қолдиқлари санокдан (инвентаризациядан) ўтказилмайди ва солиқ солиш мақсадларида солиқ тўловчининг омборида мавжуд эмас деб баҳоланади, деб белгиланганлигини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.01.2021 йилдаги 1-сонли “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарорига асосан санокдан (инвентаризациядан) ўтказиш солиқ органларига юклатилганлигини, инвентаризацияни ўтказиш учун солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) буйруқ чиқаради, унда уни амалга ошириш учун асослар ва махсус инвентаризация комиссиясининг таркиби, шу жумладан, солиқ органларининг мансабдор шахслари, жалб қилинган мутахассислар ва солиқ тўловчининг ишчи-ходимлари (келишилган холда) кўрсатилганлигини, жамият томонидан давлат солиқ хизмати органларида текшириш кунда “Е-ижара” дастурида кўчмас мулк, бино иншоатлар, омборхоналар ва бошқа товар моддий бойликлар сақлаш учун ижара шартномалари рўйхатдан ўтказилмаганлиги сабабли, солиқ органи ходимлари томонидан инвентаризация ўтказилмаганлигини, текширув бўйича ўтказилган таҳлил натижасига кўра, давлат солиқ хизмати органларида мавжуд ташқи манба (ҳисоб-фактура статистикаси)дан олинган маълумотлар таҳлил қилинганда, солиқ органларида мавжуд бўлган маълумотларга кўра (икки томонлама тасдиқланган электрон ҳисобварақ-фактуралар) кирим қилинганлиги лекин сотилмаган ва текширув кунига қолдиқда мавжуд бўлмаган жами 2.305.145,3 минг сўмлик ҳар-хил турдаги товарлар ҳисобда реализация қилинмаганлигини товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги аниқланганлигини, юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 223-моддасига мувофиқ ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги ҳолати бўйича (2.305.145,3 x 12%) 276.617,4 минг сўм қўшилган қиймат солиғи бюджетга қўшимча ҳисобланганлигини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 223-моддасига асосан “ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги” солиқ солиш базасини



яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб баҳоланишлигини ва яширилган (камайтириб кўрсатилган) солиқ базаси суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима қўллашга сабаб бўлиши келтириб ўтилган бўлиб, (2.305.145,3x20%) 20 фоизда, яъни 461.029,0 минг сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилиши лозимлигини, бундан ташқари, солиқ органларининг мавжуд ташқи манба “ҳисоб-фактура статистикаси”да жами қиймати 224.548,1 минг сўмлик реализация қилинган товарларнинг харид қилинганлиги тўғрисида ҳисоб-фактуралар аниқланмаганлиги сабабли, Солиқ кодексининг 299-моддасига асосан текинга олинган товар ва маҳсулотлар сифатида қаралиб фойда солиғи бўйича (224.548,1 x15%) 33.682,2 минг сўм бюджетга қўшимча ҳисобланишлигини, юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 223-моддасига асосан 224.548,1 минг сўм расмийлаштирилмаган (кирим қилинмаган) товарларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва реализация қилиш, солиқ базаси суммасининг 20 фоизи (224.548,1x20%) яъни 44.909,6 минг сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилиши лозимлигини, жамият тугатиш бошқарувчиси М.О.Чўтов томонидан тақдим қилинган маълумотномада “Old City Med” МЧЖни тугатиш жараёнида жамиятнинг Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 27.09.2022 йилдаги №4-1001-2220/44296-сонли ҳал қилув қарорига асосан Fharm Heres” МЧЖдан 215.001.747 сўмлик, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 03.06.2022 йилдаги №4-1001-2219/14843-сонли ҳал қилув қарорига асосан “Asklepiy” МЧЖдан 151.642.712 сўмлик, 20.05.2022 йилда тузилган 153-сонли шартномага асосан “Хасан-Хусан” МЧЖдан 96.815.535 сўмлик, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 21.10.2022 йилдаги № 4-1001-2213/49345-сонли ҳал қилув қарорига асосан “Welfar VST” МЧЖдан 87.590.499 сўмлик, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 16.10.2022 йилдаги № 4-1001-2218/36333-сонли ҳал қилув қарорига асосан “Grand Farm Trade” МЧЖдан 87.517.264 сўмлик, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 25.03.2022 йилдаги № 4-1001-2217/6757-сонли ҳал қилув қарорига асосан “Nobel Pharmsanoat» МЧЖдан 76.203.210 сўмлик, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 11.05.2022 йилдаги №4-1001-2205/12055-сонли ҳал қилув қарорига асосан “Getta Pharma” МЧЖдан 38.313.689 сўм, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 25.10.2022 йилдаги №4-1001-2210/49486-сонли ҳал қилув қарорига асосан “Adina Med” МЧЖдан 28.102.000 сўм, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 01.12.2022 йилдаги № 4-1001-2228/58188-сонли ҳал қилув қарорига асосан “Mari Pharm” МЧЖдан 15.327.302 сўмлик ва 05.01.2022 йилдаги 507-сонли шартномага асосан “Oriyo-Mehr” МЧЖдан 7.873.000 сўм умумий ҳолатда жами 804.386.958,24 сўм қарздорликлари мавжудлиги аниқланганлигини, текширувда “Old City Med” МЧЖга жами 310.299,6 минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланганлиги билдириб кўрсатув бериб ўтди.



Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ [REDACTED] 2017-2018 йилларда “OLD CITY MED” МЧЖда фармацевт лавозимида ишлаганлигини, у ишлаган вақтда корхоналар билан пул кўчириш орқали ишлаганликларини, у пайтда корхоналар билан ишлашда ҳеч қандай муаммо бўлмаганлигини, улар асосан “Asclepiy”, “Nobel”, “Grandfarm”, “Merosfarm” МЧЖлар каби ташкилотлар билан ишлаганлигини, шу вақтда кўрсатилган корхоналардан кредитор ва дебитор қарзлар бўлмаганлигини, “Old City Med” МЧЖни маблағ етишмаслиги сабабли сотишга тўғри келганлигини, шунга кўра жамият 05.10.2021 йилда фуқаро Агзамов Асқархон Ахмадхон ўғлига ўтганлигини ва фаолият давом эттирилганлигини, ундан кейинги ҳолатлардан хабардор эмаслигини, “OLD CITY MED” МЧЖни олди-сотди қилинаётганда олди-сотди ишларини Агзамов Асқархон Ахматхон ўғли амалга оширганлигини ва сотиб олганлигини, “Old City Med” МЧЖ сотилаётганида корхоналардан қарздорлиги бўлмаганлигини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчилар, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириб чиқиб, судланувчилар А.Агзамов ва А.Дусматовларнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби, қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни суд бошқарувчисининг 27.04.2023 йилдаги “Old City Med” МЧЖда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.08.2013 йилдаги “Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қастдан банкротликга олиб келиш аломатларини аниқлаш тўғрисида”ги қарори талаблари юзасидан ўтказилган 13-сонли таҳлил натижалари ҳамда терговга қадар текширув давомида тўпланган ҳужжатлар билан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар Солиқ бошқармаси томонидан тузилган 27.05.2024 йилдаги 86-сонли текширув далолатномаси билан, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини топади деб ҳисоблайди.

Юқорида келтирилган далиллар мажмуи билан судланувчи [REDACTED] жиноят содир этганликдаги айби тўлиқ ўз исботини топгани сабабли суд дастлабки тергов органи томонидан савдо қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 189-моддасининг 1-қисми, корхонани қасдан банкротликка олиб келиш кредиторларнинг манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилишига олиб келишда



ифодаланган ҳаракатлари ЖК 181<sup>1</sup>-моддасининг 1-қисми билан, жуда кўп миқдорда солиқ тўловларни тўлашдан бўйин товлаш билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Юқорида келтирилган далиллар мажмуи билан судланувчи [REDACTED]нинг жиноят содир этганликдаги айби тўлиқ ўз исботини топгани сабабли суд дастлабки тергов органи томонидан савдо қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 189-моддасининг 1-қисми, корхонани қасддан банкротликка олиб келиш кредиторларнинг манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилишига олиб келишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 181<sup>1</sup>-моддасининг 1-қисми билан, жуда кўп миқдорда солиқ тўловларни тўлашдан бўйин товлашда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддасининг 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги” қайд этилган.

Суд судланувчи А [REDACTED] жазо тайинлашда унинг айбига қисман иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий ва моддий шароитини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи [REDACTED] жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни, шунингдек содир этилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда етказилган зарар умуман қопланмаганлигини инобатга олиб, унга унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖК 181<sup>1</sup>-моддасининг 1-қисми, 189-моддасининг 1-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, сўнг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.



Суд судланувчи [REDACTED] жазо тайинлашда унинг айбига қисман иқдор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий ва моддий шароитини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи [REDACTED] а жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни, шунингдек содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ҳамда етказилган зарар умуман қопланмаганлигини инобатга олиб, унга унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖК 181<sup>1</sup>-моддасининг 1-қисми, 189-моддасининг 1-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, сўнг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, Тошкент шаҳар прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 310.299.600 сўм пул маблағини Олмазор туман ДСИ орқали давлат фойдасига ўтказишни лозим топади.

Шунингдек, суд, манфаатдор тарафларга келгусида жиноят натижасида уларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича тегишли тартибда фуқаролик ва иқтисодий судларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси, ЖКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 472-473-моддаларига асосан суд

## Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

[REDACTED]  
[REDACTED] даси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 181<sup>1</sup>-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибда, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгилаб берилган жойларда ўташлик белгилансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати, яъни судланувчи азонни ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Ҳукми ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар, Чилонзор туман ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

иёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг – бекор қилинсин.

Д

3-қисми ва 189-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 181<sup>1</sup>-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибда, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан и 28.05.2024 йилдан 30.05.2024 йилга қадар сақланган 3 (уч) кун дастлабки қамоқда сақланган ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари



жазосининг уч кунига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегириб ташлаб, ўташлик учун 2 йил (икки) 5 (беш) ой 21 (йигирма бир) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгилаб берилган жойларда ўташлик белгилансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати, яъни судланувчи [REDACTED] жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Ҳукми ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар, Учтепа туман ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

[REDACTED] ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг – бекор қилинсин.

[REDACTED] а Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисми талаблари, яъни “агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштирилиши, жазони ўташдан бўйин товланган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмаслиги” тушунтирилсин.

Тошкент шаҳар прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 310.299.600 сўм пул маблағи Олмазор туман ДСИ орқали давлат фойдасига ўтказилсин.

Манфаатдор тарафларга келгусида жиноят натижасида уларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича тегишли тартибда фуқаролик ва иқтисодий судларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

(имзо)

**А.Нармухамедов**

Аслига тўғри,

